ДУАЛ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ЎРТА БЎҒИН КАДРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Сайидахмедов Равшан Ражабович
Бухоро давлат техника университети катта ўқитувчиси
E-mail: sayidaxmedovravshan@gmail.com

Аннотатсия: Мақолада иқтисодиётнинг барча соҳаларида малакали ва замонавий касбий кўникмаларга эга ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ҳамда ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратилганлиги, дуал таълим шакли асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, унинг истиқбол йуналишлари тўғрисида.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, малака, касбий кўникма, ислоҳотлар, дуал таълим, кадрларини тайёрлаш, мутахассис, тажриба.

Аннотация: В статье освещаются вопросы создания широких возможностей для подготовки квалифицированных кадров среднего звена, обладающих современными профессиональными навыками во всех отраслях экономики, поддержки интереса молодежи к освоению профессий и специальностей, а также проводимая работа по организации подготовки кадров на основе дуальной системы обучения и её перспективные направления.

Ключевые слова: экономика, квалификация, профессиональные навыки, реформы, дуальное образование, подготовка кадров, специалист, опыт.

Abstract: The article highlights the creation of wide opportunities for training qualified mid-level personnel with modern professional skills in all sectors of the economy, supporting young people's interest in mastering professions and specialties, as well as the ongoing work on organizing personnel training based on the dual education system and its future directions.

Keywords: economy, qualification, professional skills, reforms, dual education, personnel training, specialist, experience.

Кириш

Маълумки, иқтисодиётни ривожланишида ўрта бўғин кадрларининг ўрни алоҳида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишчи касб ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёж жуда юқори кўрсаткичларни ташкил этади.

Шунинг учун, ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими ўрганилиб, замонавий технологиялар ва дастгоҳларда ўқиш билан бир вақтда корхона, ташкилотларда иш фаолиятини олиб бориш имкониятини берувчи дуал таълим шакли Ўзбекистон таълим тизимига киритилди.

ISSN 3030-3907

“Дуал” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, бирор нарсанинг икки қисмга тааллуқлилиги, иккита нарсани ифодаловчи, икки қисмдан иборат, деган маъноларни билдиради.

Дуал таълим – ўқувчи/талабага таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб бориш имкониятини берувчи тизимдир.

Бунда ёшлар 2-3 кун таълим муассасасида назарий билимларни ва 3-4 кун корхона ва ташкилотларда ҳақиқий иш жараёнларида амалий кўникмаларни эгаллайди.

Дуал таълим шаклида таҳсил олаётган ўқувчи/талаба корхона ва ташкилотларда ишга қабул қилинганда уларга корхона томонидан устоз бириктирилади ва ойлик маоши тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги қарори билан Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низом асосида бугун жойларда ушбу таълим тажрибаси қўлланилиб келинмоқда.

Мақсад иқтисодиётнинг барча соҳаларида малакали ва замонавий касбий кўникмаларга эга ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ҳамда ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Бугунги кунда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, 7,5 мингдан ортиқ ёшлар республикамиздаги профессионал таълим муассасаларида дуал таълим шаклида таълим олиб, 1,5 мингга яқин корхона ва ташкилотларда иш фаолиятини олиб бормоқда.


Шу жумладан *Бухоро муҳандислик-технология институтида ҳам* дуал таълим асосида ўқитиш вилоятимиз ҳамда республикамиз ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган икки томонлама шартномага мувофиқ ўқиш билан амалиётни биргаликда олиб бориш, талабаларнинг бевосита ишлаб чиқаришда амалий машғулотларини ва малакавий амалиётларини ўтказишни ташкил этиш йўлга қўйилган.

Бунга мисол қилиб институтнинг 60711300-Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти йўналишида ва бошқа йўналишлар бўйича таҳсил олаётган талабаларни Uz TEST DM Buxoro filiali, Uz TEST DM Navoiy filiali,Uz MMI DM Buxoro filiali, Uz MMI DM Navoiy filiali, Buxoro viloyti “O’simliklar karantini hududiy inspeksiysi”, Navoiy viloyti qurilish va uy joy kommunal xo’jaligi soxasida hududiy nazorat inspeksiysi, “Бухородонмахсулотлари” акциядорлик жамияти, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли газниқайта ишлаш заводи, "UZPolcharm" корхонаси, Ғиждувон “Бухоро файз текстил” фабрикаси, “Sulsherjaxon” ХК, вилоят

ISSN 3030-3907

статистика бошқармаси, вилоят солиқ бошқармаси,Зарафшон мехмонхонаси, “Agrobank” ATB, Buxoro viloyat Buxoro shahar kambag'alikni qisqartirish va bandlikka ko'maklashish markazi, "Ozod Buxoro tekstil" MCh, “IT-PARK BUKHARA” MChJ Buxoro shahar, ANB “Bussines” MChJ Buxoro shahar, “Shohrud” AJ , "Bahor chance textile" MChJ, Navoiy viloyati Karmana tumani kambag'allikni qisqartirish va bandlikka ko'maklashish markazi, Buxoro viloyat SEO va JS, Бухоро шахридаги Buxara Cotton textile MCHJ, Gijduvon tumanidagi "Parvoz Xumo Ravnaq Trans" MChJ, “New Star” korxonasi ва бошқа бир қанча корхоналарни кўрсатиб ўтиш мумкин.





Ишлаб чиқариш корхоналарида талабаларга амалиёт ўтиш жараёнида корхоналарнинг етакчи мутахассислари томонидан, махсулотларни қабул қилиш, улардан стандарт талабларига мувофиқ намуналар олиш, олинган намуларни, ишлаб чиқарилган махсулотларни сифатини аниқлаш бўйича синов лабораторияларида таҳлилларни ўтказиш, корхонанинг метрологик таъминлаш борасида метрологик хизмат кўрсатиш бўлимлари томонидан олиб борилаётган ишлар, сифатли махсулотлар ишлаб чиқариш, зарур бўлган ўлчов воситалари, замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари, техникалар ва технологияларнинг ўрнатилганлиги, улар билан ишлаш ҳамда чет эл корхоналари билан ҳамкорликда қўшма корхоналарнинг ташкил этилганлиги, шу билан биргаликда рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт махсулотларини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратилганлиги тўғрисида маълумот, тушунчалар берилади.

Шунингдек, ҳозирги куннинг талабларидан келиб чиқиб, жахон бозорларига янада харидоргир махсулотларни савдога чиқариш, янги турдаги махсулотларни ишлаб чиқариш борасида янги лойиҳалар устида ишлар олиб борилаётганлиги, келгусда корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасида изланишлар олиб борилаётганлиги бўйича маълумотлар билан таништирилмокда.

ISSN 3030-3907

“Бухородонмахсулотлари” акциядорлик жамияти томонидан вилоятимизнинг Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Бухоро тумани ва шахри ҳудудида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларига уруғлик дон етказиб бериш, хўжаликлар томонидан уруғлик донларни қабул қилиш тартиблари, хўжаликлар томонидан донларни, асосан буғдой ва соя донларини экиш учун экин ерларини тайёрлаш ҳолатлари, экилган, униб чиқан ҳосилларни парваришлаш бўйича бугунги кунда олиб бориладиган агротехник тадбирлар билан таниш бўйича худудларга чиқиб ўрганишлар амалага оширилмоқда.






Келгуси ўқув йилидан бошлаб, босқичма-босқич бошқа олий таълим муассасаларида ҳам дуал таълим шакли асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилган





ISSN 3030-3907














ISSN 3030-3907






Талаба ёшлар таълим олиш билан бирга ҳақиқий иш жойида ўз касбий кўникмаларини ривожлантирадилар.Корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиш уларга янада таълим муассасаларида олаётган таълимларига қизиқишни, айниқса ўз касбий йўналишида эгалламаган ёки эътибордан четда қолган жихатларига диққати ортади.

Келгусида талабада ишлаб чиқариш корхонаси ва таълим муассасида ўртасида боғланишнинг яна қандай қирраларига этиборни жалб қилиш, шунингдек соҳани ривожлантиришда қандай илмий изланишлар олиб бориш лозимлиги борасида замин яратилади.

Бу эса корхона ва ташкилотларнинг иновацион ривожланишига кенг йўл очади, ишлаб чиқарган махсулотларининг халқаро стандартлар талаблари асосида бўлиши, шунингдек уларни жаҳон бозорида ўз ўрнини топиши, харидоргирлигини ошиши, хавфсизлигини таъминланиши борасида, қолаверса хорижий мамлакатлар билан савдо сотиқни ва ҳамкорликни ривожлантириш иқтисодий самарадорликка эришиш пойдеворини яратади.

ISSN 3030-3907

ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.
5. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
6. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
7. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёрганлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 168 б.

Интернет сайтлар

8. http://edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
9. http://lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
10. http://bimm.uz – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмийметодик маркази
11. http://ziyonet.uz – Таълим портали ZiyoNET

ISSN 3030-3907